

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“NAVOIYDONMAHSULOTLARI”
aksiyadorlik jamiyati
Кузатув кенгашининг 08.10.2015 йилдаги
8-сонли йиғилиши қарори билан



“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”
Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
маркази Навоий вилоят ҳудудий
бошқармаси



АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ
ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“NAVOIYDONMAHSULOTLARI”
aksiyadorlik jamiyati

Берилган идентификация рақами:

R u 1 0 2 E O 1 5 4 7 5

Оддий 185 894 (бир юз саксон беш минг саккиз юз тўқсон тўрт) дона хужжатсиз (нақдсиз) шаклдаги номинал қиймати 800 (саккиз юз) сўм бўлган акциялар.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар очик обуна орқали жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши 8 (саккизинчи) чиқарилишдир

Тасдиқланган: “NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ Кузатув кенгашининг 2015 йил 08 октябрдаги йиғилиш қарори билан 8-сон баённома.

2015 йил 08 октябрдаги 8-сон баённома “NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ Кузатув кенгаши йиғилишининг қарори асосида.

Эмитент жойлашган жойи, почта манзили, электрон почта манзили ва мулоқот телефонлари: 210 100, Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Ишчилар шаҳарчаси-3, navoidon@mail.ru, www.navoidon.uz тел: 0 (436) 226-44-69, факс: 0 (436) 225-41-21,

“NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ
бошқарув раиси


Ш.И.Шарипов

“NAVOIYDONMAHSULOTLARI” АЖ
бош хисобчиси


А.С.Одилов



1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):

Оддий акциялар

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз (накдсиз)**
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал киймати (сўм): **800 сўм**
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **185 894 дона**
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **148 715 200 сўм**
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

“NAVOIYDONMAHSULOTLARI” aksiyadorlik jamiyatining акциялари акциядорларга Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 26-27 ва бошқа моддаларда назарда тутилган ҳуқуқларини беради.

Акциядорлар:

тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятнинг бошқарилишида иштирок этиш;

жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

олган дивиденднинг эркин тасарруф этиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

ўзига етказилган зарарнинг ўрни қоплатишнинг белгиланган тартибда талаб қилиш;

ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа подавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурга қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонуни ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Жамият уставига жойлаштириладиган акцияларни сотиб олиши мумкин бўлганларга чеклашлар мавжуд эмас. Чиқарилиш тўғрисидаги қарорга асосан чиқариладиган қўшимча акциялар очик обуна орқали уюшган қимматли қоғозлар бозорида белгиланган тартибда битимлар тузиш йўли билан жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **749 724 800 сўм**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **935 593 дона** эгаси ёзилган оддий ва **1 563 дона** эгаси ёзилган имтиёзли акциялар жойлаштирилган.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Эмитент томонидан аввал корпоратив облигациялар чиқарилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпик обуна): **Мазкур эмиссия доирасида чиқариладиган хужжатсиз шаклдаги оддий акциялар очик обуна орқали жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Мазкур эмиссия доирасида чиқариладиган хужжатсиз (накдсиз) шаклдаги эгасининг номи ёзилган акциялар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак. Бунда:

Жойлаштиришни бошлаш санаси - қўшимча акцияларни жойлаштириш ушбу чиқарилиш тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган санадан бошлаб 15-кундан бошланади.

Жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги охириги акция жойлашган кун, аммо қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 365 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Қўшимча чиқарилган акциялар уюшган қимматли қоғозлар бозорида белгиланган тартибда битимлар тузиш йўли билан жойлаштирилади.

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлик фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (раками, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати):

Жамият акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобини юритиш, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва инвестиция воситачилари томонидан амалга оширилади. Акциялар эгаларининг реестрини шакллантириш Марказий рўйхатга олувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Марказий депозитарий ҳақида маълумот:

Тўлик номи: Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат унитар корхонаси;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Давлат унитар корхонаси;

Жойлашган жойи- 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 уй;

Почта манзили, телефони - 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 уй, телефон: 8(371)236-14-34, Факс: 8(371)233-13-57. e-mail: info@deponent.uz, вэб манзили: www.deponent.uz.

Давлат рўйхатидан ўтган раками ва санаси: №000979, 2008 йил 02 сентябрда Тошкент шаҳар Миробод тумани Ҳокимияти.

Лицензия раками ва берилган санаси – Лицензияга эга эмас. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263-сонли қарорига асосан амалга оширади.

Жамият акцияларининг ҳисобини юритувчи ҳақида маълумот:

Тўлик номи: Инвестиция воситачиси “UNIVERSAL DEPOZIT” маъсулияти чекланган жамият;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Маъсулияти чекланган жамият;

Жойлашган жойи - Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 уй,

Почта манзили, телефони - 100003, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 уй,

Телефон – 0 (371) 232-08-08,

Лицензия – Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2012 йил 21 ноябрда берилган №1239-сонли лицензия.

Амал қилиш муддати – Чекланмаган.

Тўлик номи: Инвестиция воситачиси “DILARES” маъсулияти чекланган жамият;

Ташкилий ҳуқуқий шакли: Маъсулияти чекланган жамият;

Жойлашган жойи - Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 уй,

Почта манзили, телефони - 100003, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси 10 уй,

Телефон – 0 (371) 232-03-54,

Лицензия – Қимматли қогозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2012 йил 12 январда берилган №1226-сонли лицензия.

Амал қилиш муддати – Чекланмаган.

Тўлиқ номи: Инвестиция воситачиси “BUHORO VAQT” маъсулияти чекланган жамият;

Таъкилий ҳуқуқий шакли: Маъсулияти чекланган жамият;

Жойлашган жойи - Бухоро шаҳри, Мустақиллик майдони, 10 уй,

Почта манзили, телефонии – 200111, Бухоро шаҳри, Мустақиллик майдони, 10 уй,

Телефон – 0 (365) 221-57-93,

Лицензия – Қимматли қогозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2011 йил 26 августда берилган №1212-сонли лицензия.

Амал қилиш муддати – Чекланмаган.

Тўлиқ номи: Инвестиция воситачиси “NAVOIY VAQT” маъсулияти чекланган жамият;

Таъкилий ҳуқуқий шакли: Маъсулияти чекланган жамият;

Жойланган жойи - Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Жасорат кўчаси 24 уй;

Почта манзили, телефонии – 210100, Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Жасорат кўчаси 24 уй;

Телефон – 8(436) 224-15-21, Факс - 8(436) 224-15-21;

Лицензия – Қимматли қогозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан 2014 йил 29 июлда берилган №1269-сонли лицензия.

Амал қилиш муддати – Чекланмаган.

Тўлиқ номи: Инвестиция воситачиси “Mulk-Sarmoya Brokerlik Uyi” aksiyadorlik jamiyati,

Таъкилий-ҳуқуқий шакли: акциядорлик жамияти

Жойланган Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10 уй

Почта манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10 уй

Телефон, факс: 0 (371) 232-10-45

Лицензия санаси ва рақами: 2014 йил 11 июлдаги №1192-сонли лицензия.

Лицензиянинг амал қилиш муддати: Чекланмаган.

Лицензияни берувчи орган: Қимматли қогозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлаштириш маркази.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Жамият уставида ва акциядорларнинг 2015 йил 05 июндаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида қўшимча акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқни қўллаш кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Акциялар бозор баҳосида, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади.

Акцияларнинг қимматли қогозлар бозорига (савдога) чиқариш нархи қўшимча акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин эмитентнинг ваколатли бошқарув органи томонидан белгиланади. Агар уюшган қимматли қогозлар бозорига сотувга қўйилган акциялар савдога қўйилган қундан бошлаб икки ой ичида белгиланган нархда сотилмаган тақдирда, акцияларни сотиб олишга берилган энг юқори буюртма (таклиф) баҳосида, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган нархда сотилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Акциялар учун тўловлар пул маблағлари воситасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда қимматли қогозлар бозори ҳамда акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонуни ҳужжатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа қонуни ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартлар асосида амалга оширилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас):

Ушбу акциялар чиқарилишининг 30 фоизидан кам қисми жойлашган тақдирда ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб ҳисоблади.

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўловлар акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида қонунийликда белгиланган тартибда қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қimmatли қogozлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Ушбу акциялар чиқарилиши билан боғлиқ муҳим фактлар тўғрисидаги маълумот (ахборот) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда қуйидагича ошкор қилинади:

- қimmatли қogozлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг сайтида www.csm.gov.uz;

- жамиятнинг корпоратив веб-сайтида;

Акцияларни қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эминия рисоласининг асл нусхаси, нусхалари билан барча манfaatдор шахслар жамият жойлашган манзил бўйича Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти, Навоий шаҳар, ишчилар шаҳарчаси Зда жойлашган “NAVOIYDONMAHSULOTLARI” aksiyadorlik jamiyatida иш кунлари соат 9-00дан 18-00гача танишиш мумкин. Телефон: 0 (436) 226-44-69, факс: 0 (436) 225-41-21.

Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эминия рисоласининг асл нусхаси, нусхаларини манfaatдор шахслар жамиятга ёзма мурожаат қилиб олишлари мумкин.

13. Бошқа маълумотлар. Мавжуд эмас.